



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 йиллиги муносабати билан ўтказилган

МАЖЛИС БАЁНИ

2020 йил “ ” декабр

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси	“Юнусобод дехқон бозори” АЖ директорининг умумий ишлар бўйича директор ўринбосари Н.А.Арипова
Таклиф килинди:	Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусобод тумани бўлими рахбари Ахмадалиев Салоҳиддин
Катнашдилар :	Тошкент Давлат Юридик Университети маъмурий ва молия хукуқи кафедраси ўқтувчisi Абдувалиев Максуджон
	“Юнусобод дехқон бозори” АЖ маънавий ва маърифий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатова
	Жамият ҳудудида фаолият юритувчи сотувчи-тадбиркорлар 25 киши

КУН ТАРТИБИ:

“КОНСТИТУЦИЯ БОШ ҚОМУСИМИЗ” мавзусида

Мажлисни жамият директори ўринбосари Н.А.Арипова очиқ деб эълон қилиб, мажлис катнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28 йиллиги муносабати билан катнашчиларни табриклади ва таклиф килингандарни таништириб, М.Абдувалиевга сўз берди. Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси хаётимиз комуси бўлмиш Конституциямизнинг 28 йиллигини нишонлаш, Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги хаёт куришда эришган ютукларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниклаб олишдан иборатdir. Хакиқатан хам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конситутциямиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аник белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва коидалари билан ишончли ва хал килувчи омил бўлади, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор. Конситутция алоҳида юридик хусусиятларга эга бўлган сиёсий-хукукий хужжат бўлиб, унда шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ўрнатилади, давлат хокимиятининг тузилиши, субъектлари, хокимиятни амалга ошириш механизмини белгилайди, жамият инсон ва фукаронинг давлат томонидан қўриклиданадиган хукуклари мустаҳкамланади. Конституция ўз моҳияти ва юридик табиатига кўра бошқа хукукий актлардан қўйдаги муҳим жиҳатлари билан фарқ қиласи деб сўз навбатини С.Ахмадалиевга берди. Барча катнашчиларни байрам билан табриклаб сотувчи ва тадбиркорларни талаб ва истаклардан келиб чиқкан холда турли мавзуларда йигилишлар ўтказиш мумкинлигини айтиб, йиғилиш катнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Кун тартибида масала юзасидан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ишчи-ходимлар орасида Конституция ўрганиш ишлари давом эттирилсін.
2. Мажлисда қатнаша олмаган сотувчи ва тадбиркорларга етказитб қўйилсін.

Мажлис котиби

M.S.Asatova